

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**70713201 – Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарии
(автомобиль) магистратура мутахассислигининг
малака талаблари**

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат транспорт университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 202¹ йил «24» 08 даги 4 - сонли йигилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 202¹ йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

T/p	бет
1. 70713201–Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарииш (автоматранспорт) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи.....	4
1.1. Кўпланиш соҳаси	4
1.1.1. 70713201– Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарииш (автоматранспорт) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўпланилиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 70713201– Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарииш (автоматранспорт) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари тавсифи	4
1.2.1. 70713201– Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарииш (автоматранспорт) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....	4
1.2.2. 70713201– Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарииш (автоматранспорт) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3. 70713201– Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарииш (автоматранспорт) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 70713201– Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарииш (автоматранспорт) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари.....	6
2. 70713201– Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарииш (автоматранспорт) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	8
2.1. Умумий компетенциялар.....	8
2.2. Касбий компетенциялар.....	8
Библиографик маълумотлар.....	9
Келишув вараги.....	10

1. 70713201 – Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарии (автоматранспорт) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи

**70713201 – Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарии
(автоматранспорт)** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

**1.1.1. 70713201 – Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарии
(автоматранспорт)** магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **71040101 – Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарии
(автоматранспорт)** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмuinи ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур магистратура мутахассислиги бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул – олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

– магистратура мутахассислигининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битиравчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлифи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битиравчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– магистратура мутахассисликларидан бирини ихтиёрий танлаш ҳукуқига эга бўлган бакалаврлар ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. 70713201 – Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарии
(автоматранспорт) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи**

**1.2.1. 70713201 – Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарии
(автоматранспорт) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:**

**70713201 – Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарии
(автоматранспорт)** – “Муҳандислик иши” таълим соҳасига оид мутахассислик бўлиб, барча таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтлари, марказлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий тадқиқот фаолиятини юритиш, турли мулкчилик шаклидаги корхоналарида, нодавлат ва нотижорат ташкилотларида, марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви органларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида логистик фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришга оид комплекс масалаларни ҳал этиш, шунингдек иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришда логистик тизими фаолиятини таъминлаш, истиқболини белгилашга, касбий кўникмага, мутасаддилик

кобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. 70713201 – Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарши (автомобиль) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг обьектлари:

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;
- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;
- реал сектор корхоналарининг ривожланиши стратегиясини ифодаловчи логистик кўрсаткичлар тизими;
- давлат ва шахс ҳамда хўжалик фаолияти субъектларининг логистик фаолиятини таъминлаш, транспорт соҳасидаги хукуқ-тартибот ва қонунийликни таъминлаш жараёнлари;
- давлат ва махаллий транспорт тизимини бошқарув органлари, транспорт ва логистик компанияларида бошқарув жараёнлари;
- транспорт тармоқлари, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуалари, тури мулкчилик шаклидаги ассоциациялар, коорпорациялар, концернлар, фирма, компаниялар, холдинг, ишлаб чиқариш бирлашмаларида логистик фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш жараёнлари;
- транспорт логистикаси соҳасида илмий ва амалий тадқиқот, назарий ва амалий таҳлил, моделлаштиришни амалга ошириш жараёнлари;
- логистик жараёнлар ва ҳодисаларни, микро ва макро иқтисодий маконда логистик фаолияти кўрсаткичларининг таҳлили жараёнлари;
- илмий-тадқиқот жараёни;
- ўкув жараёни.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.3. 70713201 – Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарши (автомобиль) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолият;
- ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолияти;
- хукуқ-тартибот фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- лойиҳалаш-конструкторлик-технологик фаолияти;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Магистратура битирувчилари магистр академик даражасини олгандан сўнг олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ ИТИларда катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини давом эттириши мумкин.

1.2.4. 70713201-Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарии (автомобиль) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

70713201-Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарии (автомобиль) мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, обьектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қуидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир бўлиши лозим:

Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хulosалар чиқариш, илмий янгиликларни кашф этиш;
- илмий мақолалар, маъruzalар, рисола, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- халқаро тажрибаларга мувофиқ автомобиль транспорти соҳасидаги мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қилиш;
- транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқариш бўйича халқаро тажрибаларга мувофиқ экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларини қайта ишлаш;
- халқаро тажрибаларга мувофиқ, инновацион ва фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, соҳанинг назарий ва амалий муаммоларини билиш, давр учун долзарб, ҳал этилиши лозим бўлган ва такомиллаштириш талаб этиладиган йўналишларга доир мавзуларни аниқлай олиш;
- автомобиль транспортида ташиш ишларини ташкил ва бошқаришда мавжуд бўлган долзарб амалий масалаларни ечиш учун халқаро тажрибаларга мувофиқ янги технологияларни қўллаши;
- транспортда ташиш ишларини ташкил этиши ва бошқариш бўйича ўтказилаётган илмий-тадқиқот лойиҳалари мавзуси бўйича моделлар, алгоритмлар, методларни тадқиқ қилиши ва ишлаб чиқиш;
- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиш;
- ўқув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишининг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;
- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:

- давлат, маҳаллий ҳукумат ва хўжалик юритувчи субъектлар логистикасини бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-ҳукукий хужжатларни билиши ва улардан юк ва йўловчиларни ташиш жараёнларида фойдалана олиш;
- транспорт логистикаси микдор ва сифат меъзонлари ҳамда тизим ва обьектлар чегаравий критик ҳолатининг кўрсаткичларини аниқлаш;
- транспорт логистикаси соҳасида ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш;
- иқтисодиёт субъектларининг логистик тизимини шакллантириш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистондаги ҳамда хориждаги микро ва макродаражада содир бўладиган, ижтимоий-иктисодий жараёнлар ҳамда ҳодисаларни характерлайдиган кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва қиёслаш, уларнинг асосида логистик жараёнларини истиқболларини аниқлаш;
- логистик жараёнлар параметрларини шакллантириши ҳамда бажарилишини назорат қилиш, транспорт-логистик компаниялар давлат ва маҳаллий ресурслардан фойдаланиш борасида имкониятларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш;

- электрон (e-learning) ва мобил (m-learning) ўқитиш учун ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиши қобилиятига эга бўлиш;
- транспорт хизматлари бозори фаолияти мониторингини олиб бориш, давлат ва маҳаллий ташкилотлар, корхоналарда ягона логистик тизими фаолиятини ташкил этиш чораларини кўриш.

Хуқуқ-тартибот фаолиятида:

- юк ва йўловчиларни ташиш жараёнларида қонунийлик ва хуқуқ-тартиботни таъминлаш, иқтисодий фаолияти субъектларининг турли мулк шаклларини ҳимоя қилиш;
- логистик фаолияти жараёнларида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш;
- хўжалик юритувчи субъектларининг юкларига иқтисодий вазиятларга таҳдид солувчи омилларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш ва суғурталаш;
- юкларни ташиш жараёнларида қонунбузарликларни профилактика қилиш, огоҳлантириш, аниқлаш ва очиш.
- транспорт хизматларини тартибга солища халқаро келишувлар ва конвенциялар талабларини. транспорт фаолиятини лицензиялаш тартибини; автомобилларда халқаро ташища юк ва транспорт воситаларини суғурталаш.

Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- юк ва йўловчиларни ташиш жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш;
- транспорт тизимларини бошқаришнинг хусусиятлари, уларнинг турлари ва асосий тавсифлари; транспорт тизимларини бошқариш функциялари ва усуллари, транспорт тизимларини бошқаришни давлат томонидан мувофиқлаштириш усуллари ва воситаларини ўрганиш;
- логистика элементлари ва унинг транспорт таъминоти, транспорт хизматларини кўрсатиш, юкларни контейнерлаштириш ва омборлаштириш, юкларни етказиб бериш тизимлари, терминаллар ва омборларда қайта ишлов бериш моддий оқимлар, корхоналарда транспорт логистика тизимини ташкил этиш;
- юкларни етказиб бериш тизимини лойиҳалаш ва ҳуқуқий таъминоти, тара, упаковка ва юкларни маркировкалаш, логистик сервис хизматлари, инфратузилма ва мезонлари, оптимал ташишни ташкил этишни билиш;
- ташишларни ташкил этиш ва логистика соҳасида турли хил транспортлар хизматидан фойдаланишда интеллектуал бошқарув тизимини, GPS ва ГЛОНАСС тизимлари тўғрисида амалий билимлар бериш;

транспорт логистикаси бўйича хужжатларни ишлаб чиқиши таъминлаш, ташиш жараённида бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш.

Лойиҳалаш-конструкторлик-технологик фаолиятида:

- халқаро тажрибаларга мувофиқ темир йўл транспортида ташишни ташкил этиш ва бошқариш бўйича чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;
- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилиш;
- халқаро тажрибаларга мувофиқ намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни кўллаш;
- илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг халқаро тажрибаларга мувофиқ инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;
- лойиҳавий ва дастурий хужжатларни ишлаб чиқиш.

2. 70713201 – Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарииш (автомобиль транспорт) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёкарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, логистик муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- ўз фаолиятида меъёрий-хукуқий хужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот ҳуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- логистика жараёнлари бўйича илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хulosалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳrir қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган транспорт логистикаси бўйича лойиҳаларда иштирок этиш учун керакли кўникмаларига эга бўлиши;
- ташиш жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;
- транспорт логистик корхоналар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга кўйиш кўникмаларига эга бўлиши;
- транспорт корхоналарда ташиш жараёнларини ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни амалиётда қўллай билиши;
- транспорт логистикасида бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиши;
- транспорт логистикасида лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, статистик ҳисоботларни тузиш ҳамда уларни шарҳлаш кўникмаларига эга бўлиш;
- транспорт корхоналарда ташиш жараёнларини таъминлаш, уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказишни ва таҳлилий ишларни бажаришни билиши;

- транспорт корхоналарда стратегик ташиш режаларни ишлаб чиқиш, логистика соҳасида ечилаётган илмий муаммоларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбик этишни билиш;
- транспорт логистикасидаги лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўнимкамларига эга бўлиш;
- ташиш жараёнларига таҳдид соловчи омилларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш малакасига эга бўлиш;
- ташиш ишларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш қурилмалари ва воситаларига техник хизмат кўрсатиш тартибларини билиш;
- транспортда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат назорати, темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлигига доир асосий талабларни билиши;
- автомобиль транспортида технологик жараёнлар самарадорлиги ва хавфсизлигини ошириш учун замонавий технологиялар тизимини лойиҳалаш, дастурий таъминот, темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи технологияларни қўллай олиш малакасига эга бўлиши;
- меъёрий-хукукий хужжатларни иқтисодий экспертизадан ўтқазишни билиш.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гурух Т 55

OKC 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўкув режа ва фан дастури (магистратура дастури), профиль, ўқиб ўрганиш натижалари, ўкув даври, e-learning ва m-learning технологиялари, транспорт-логистик жараёнлар, ташишда таваккалчилик ва рақобат, рақобатбардошлиқ, транспорт соҳалари, хукуқ-тартибот, экспедиторлик хизмати, ташиш сифатини баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ташишларни ташкил этиш ва бошқариш, логистикада инновацион технологиялар, ташкилий-бошқарув фаолияти, корпоратив бошқарув, малака амалиёти, давлат аттестацияси, ўкув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, юкларни ортиш-тушириш, экспертиза, божхона иши, логистикада инвестицион лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни, маҳсус фанларни ўқитиш методикаси, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, фан ишчи дастурлари, замонавий ўлчов асбоблари, илмий тадқиқотларни ташкил қилиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария.

КЕЛИШУВ ВАРАГИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат транспорт университети

Ректор  О.Абдурахманов



202 йил « »

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги

Вазир ўринбосари  А.Муминов

202 йил « »

М.Ў.


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги хузуридаги
Олий таълимни ривожлантириш
тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б.  М.Эсонов


202 йил « »

М.Ў.

Ўзбекистон халқаро экспедиторлар
уюшмаси

Бош директор  Д.Хамраев

И.Каримов номидаги
Тошкент давлат техника университети

Ректор  С.Турабджанов

202 йил « »



М.Ў.